

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 21 200,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилга нисбатан ўсиш суръати 102,6 фоизга тенг бўлди.


2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 108,3 фоизни ташкил қилди.

**Январь-декабрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулотнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби**


	<i>млрд.сўм</i>		<i>2019 йил январь-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2019 йил</i>	<i>2020 йил</i>	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>19 078,9</b>	<b>21 200,9</b>	<b>102,6</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	17 349,1	19 753,2	102,6
Маҳсулотларга соф солиқлар	1 729,8	1 447,7	102,7
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>17 349,1</b>	<b>19 753,2</b>	<b>102,6</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	5 034,1	6 005,0	102,4
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	6 542,2	7 185,6	103,5
саноат	5 086,5	5 514,5	104,1
қурилиш	1 455,7	1 671,1	101,5
Хизматлар	5 772,8	6 562,6	101,6
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	879,7	988,0	98,9
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	1 053,6	1 194,9	107,5
бошқа хизматлар	3 839,5	4 379,7	100,6

Ялли ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан фоизда)

2019 йил январь-декабрь




2020 йил январь-декабрь








2020 йилнинг январь-декабрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ўсиш суръати 102,4 % (ЯХМ таркибидаги улуши 30,4 %), саноатда 104,1 % (27,9 %), қурилишда – 101,5 % (8,5 %) ҳамда хизматлар тармоғи 101,6 % (33,2 %).

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯХМнинг 93,2 фоизини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 6,8 фоизини ташкил этди.

**Январь-декабрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулотнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, жамига нисбатан фоиз ҳисобида**

	жамига нисбатан фоиз ҳисобида		ўтган йилга нисбатан фарқи, (+;-)
	2019 йил	2020 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>x</b>
<i>шу жумладан:</i>			
 Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	90,9	93,2	2,3
 Маҳсулотларга соф солиқлар	9,1	6,8	-2,3
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>x</b>
 Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	29,0	30,4	1,4


	жамига нисбатан фоиз ҳисобида		ўтган йилга нисбатан фарқи, (+;-)
	2019 йил	2020 йил	
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	37,7	36,4	-1,3
 саноат	29,3	27,9	-1,4
 қурилиш	8,4	8,5	0,1
Хизматлар	33,3	33,2	-0,1
 савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	5,1	5,0	-0,1
 ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	6,1	6,0	-0,1
 бошқа хизматлар	22,1	22,2	0,1

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 1,3 фоиз пунктга (ЯҲМ таркибидаги улуши 36,4 %) камайган. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2020 йил январь-декабрида 30,4 фоизни ташкил этди ва 2019 йил мос даври (29,0 %) билан таққосланганда 1,4 фоиз пунктга ошган ҳамда хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 33,2 фоизни ташкил этди ва 2019 йил мос даври (33,3 %) билан таққосланганда 0,1 фоиз пунктга камайган.


Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 5,0 фоизни (2019 й. 5,1 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 6,0 фоизни (6,1 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 22,2 фоизни (22,1 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймат таркиби**  
(жамига нисбатан фоизда)


**2019-йил январь-декабрь**



**2020-йил январь-декабрь**



2020 йилнинг январь-декабрида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича  
Иқтисодий фаолият турлари ўсиш суръатлари



Ҳисобот даврида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 11 093,5 минг сўмни ташкил этиб ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,1 фоизни ташкил этди.



Январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган  
ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари

